

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

## Аниқ ва табиий фанлар

## МАТЕМАТИКА

**Д.Усмонов**

Гиперболик типдаги бузиладиган иккинчи тур тенглама учун силжишли масала .....	6
---	---

КИМЁ

**И.Асқаров, Ш.Қирғизов**

Үрик мевасининг кимёвий таркиби ва биологик хоссалари.....	11
--	----

**Б.Маҳкамов, Д.Гафурова**

Янги полиакрилонитрил / вермикулит таркибидаги синтез, ион алмашинувининг хусусиятлари.....	16
--	----

**Р.Мамадалиева, Ф.Шаропов, А.Ибрагимов, Ш.Абдуллаев, В.Хўжаев**

<i>Allochrusa gypsophiloides</i> таркибидаги иккита асосий сапонинни УССХ-ЭРИ-МС услубини қўллаш орқали тавсифлаш.....	21
---	----

**М.Ахмадалиев, И.Асқаров**

Кротон альдегиди куб қолдигининг таркибини аниқлаш ва унинг асосида полимеркомпозиция олиш.....	25
--	----

## Ижтимоий-туманинтар фанлар

## ИҚТИСОДИЁТ

**А.Низамиев, И.Сайпидинов, Г.Момошева**

Яшил “тоза” энергетика бўйича энергетик хабни яратиш истиқболлари Қирғизистонни иқтисодий ривожлантиришнинг янги йўли сифатида.....	29
--	----

**А.Ғафуров, О.Ғафуров**

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида тадбиркорлик фаолиятини бошқариш механизмини такомиллаштириш.....	33
---	----

## ФАЛСАФА, СИЁСАТ

**Б.Холматова**

Қадриятлар тизими ва талаба ёшларда аксиологик онгни шакллантиришнинг фалсафий-педагогик жиҳатлари.....	38
--	----

**Ж.Дадабоева**

Оилавий-хуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришнинг айрим масалалари.....	42
--	----

**И.Сиддиқов, Р.Мамасолиев**

Миллий юксалиш ғоясини амалга оширишнинг ижтимоий-фалсафий омиллари.....	47
--	----

**А.Ғаниев**

Тадбиркорлик фаолиятининг ижтимоий-маданий ва маънавий моҳияти.....	53
---	----

## ТАРИХ

**О.Бегматов**

Ўзбекистонда замонавий банк тизими шаклланиши ва ривожланишининг тариҳий босқичлари.....	57
---	----

**Ф.Бобоев**

Сурхон воҳасида совет ҳокимиятига қарши кураш ва унинг ўзига хос хусусиятлари (1925-1933 йиллар).....	65
--	----

**А.Махмудов**

Бухоро амирлигига таълим тизимини исплоҳ қилиш ва янги усул мактабларини ташкил этишда Усмон Хўжа Пўлатхўжаевнинг фаолияти.....	71
--	----

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

**Д.Қуронов**

Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романни илк ва қайта нашрларидағи бир тафовут ҳақида.....	75
--	----

УДК: 371+1

ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИ ВА ТАЛАБА ЁШЛАРДА АКСИОЛОГИК ОНГНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ФАЛСАФИЙ-ПЕДАГОГИК ЖИҲАТЛАРИ

СИСТЕМА ЦЕННОСТЕЙ И ФИЛОСОФСКО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ  
ФОРМИРОВАНИЯ АКСИОЛОГИЧЕСКОГО СОЗНАНИЯ У СТУДЕНЧЕСКОЙ МОЛОДЕЖИ

THE SYSTEM OF VALUES AND THE PHILOSOPHICAL AND PEDAGOGICAL ASPECTS  
OF THE FORMATION OF AXIOLOGICAL CONSCIOUSNESS IN STUDENT YOUTH

Б.Холматова<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Б.Холматова

—ФарДУ, доцент, фалсафа фанлари номзоди.

**Аннотация**

Мақолада қадриялар тизими, қадрияларнинг ижтимоий-фалсафий мөҳияти, миллий ва умуминсоний қадрияларга нисбатан ёшларнинг позитив муносабатини такомиллаштириши, фуқаролик жамиятининг такомиллашуви жараёнида ёшларда аксиологик онгни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик зарурятини тадқиқ қилинган.

**Аннотация**

В данной статье исследуется система ценностей, социально-философская сущность ценностей, совершенствование позитивного отношения молодежи к национальным и общечеловеческим ценностям, социально-педагогическая необходимость формирования ценностного сознания у молодежи в процессе совершенствования гражданского общества.

**Annotation**

In this article, the system of values, socio-philosophical essence of values, improvement of positive attitude of youth towards national and universal values, socio-pedagogical necessity of formation of axiological consciousness in youth in the process of improvement of civil society were investigated.

**Таянч сўз ва иборалар:** қадрият, аксиологик, қадриялар тизими, таълим, тарбия, ёшлар, маънавий тараққиёт, аксиологик муносабат, аксиологик онг.

**Ключевые слова и выражения:** ценность, аксиологический, система ценностей, образование, воспитание, молодежь, духовное развитие, аксиологическое отношение, аксиологическое сознание.

**Keywords and expressions:** value, axiological, system of values, education, upbringing, youth, spiritual development, axiological attitude, axiological consciousness.

Қадриялар ҳақидаги фан қадим замонларда Сукрот томонидан қўйилган «қадрият нима?», деган саволга бориб тақалади. Қадрият – бу, нарсалар ва ҳодисаларга инсоннинг муносабати. Ҳар қандай қадрият – моддий қадрият ҳам, маънавий-ахлоқий қадрият ҳам одамлар – грухлар, синфлар, жамиятлар колектив фаолиятининг натижаси, маҳсул сифатида амал қиласди. Айни шу сабабли ҳар қандай қадрият ижтимоий қадрият сифатида шаклланади. Ҳар қандай нарса, қилмиш, мақсад ва ҳатто ҳақиқат ҳам баҳолаш обьектига айланиши мумкин. Қадриялар орасида мўлжал олиш фаолияти инсоннинг дунёдаги борлиғи мазмунини тўла қамраб олади. Умуминсоний қадриялар худди фан каби узоқ тарихга эга. “Умуминсонийлик барча халқлар ва миллатлар учун тенг даражада муҳим қадрияларни англатса, миллийлик инсоннинг туғилиш, мавжудлик

ва турмуш тарзидан бошқа нарса эмас”[1,11]. Умуминсоний ва миллий қадриялар ўртасида “Буюк Хитой” девори мавжуд эмас.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев таъқидлайдики, “Мамлакатимизда олиб борилаётган бугунги кенг кўламли исплоҳотлар, янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнида ижодкор зиёлиларимизнинг ўрни ва ҳиссаси қандай бўлмоқда? Албатта, биз халқимизнинг маънавий камол топишида маданият намояндаларининг улкан хизматлари борлигини доимо миннатдорлик билан эътироф этамиз. Юксак идеаллар йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, ўзлигимизни англаш, ғурур ва ифтихор, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш учун бел боғлаб майдонга чиқиш – сиз, ижод аҳлига хос эзгу фазилат эканини ҳаммамиз яхши биламиз ва буни юксак қадрлаймиз. Ҳолбуки, маданият ва санъат арబлари

## ФАЛСАФА, СИЁСАТ

ҳамиша жамиятнинг энг олдинги сафларида бўлиши, ўз асарлари, фаол гражданлик позицияси билан одамларни эзгу мақсад ва мэрралар сари бошлаши, илҳомлантириши керак эмасми? Азал-азалдан халқ ижод аҳлига жуда катта хурмат ва ишонч билан – “жамият тафаккурининг эгалари” деган юксак баҳо бериб келганликлари бежиз эмас” [2,181-182].

Шу нуқтаи назардан, буюк бобокалонимиз Алишер Навоий таълимоти [3] юксак аҳамият касб этади. Ўрта асрлар шароитида у ёш авлодга таълим ва тарбия бериш, шунингдек, инсон ва унинг феълатвори, умуман унинг келажаги ҳақида қайғурган. У хурфикрлиликнинг ривожланишига таъсир кўрсатган ва илмий билимларни ўзлаштиришга чақирган. Унинг билим, касб-кор, фан, адолат, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақидаги ғоялари одамларни адолатсизликка қарши курашга, жамиятда ахлоққа зид ҳолатларга барҳам беришга чақиради, инсонийлик ва одоб-ахлоқдан, миллатлараро тинч-тотувлик ва бағрикенглиқдан сабоқ беради.

Ҳозирги қомусий адабиётларда қадрият тушунчаси илк бор Кант ижодида пайдо бўлгани, мутафаккир маънавият (эркинлик) соҳасини табиат (зарурият) соҳасига қарши қўйгани қайд этилади. “Қадриятлар ўз-ўзича борлиққа эга эмас, уларда фақат аҳамият мавжуд: улар иродага, ўз олдига қўйилган мақсадга қўйилган талаблардир” [3,11-14]. Шу билан бир вақтда, қадрият тушунчасини муомалага Ф.Лотце киритган, у қадрият унинг субъект учун аҳамиятидагина мавжуд, деб ҳисоблайди.

Педагог олимлардан Ш.Мардонов [4], У.Маҳкамов [5], О.Мусурмонова [6], В.Сластенин [7], Д.Рўзиева [8], Б.Ходжаев [9], Н.Эгамбердиева [10] кабиларнинг илмий изланишларида миллий, умуминсоний, маънавий-ахлоқий, эстетик, таълимий, тарбиявий қадриятларнинг мазмун-моҳияти ҳамда талаба-ёшларда аксиологик онгни ривожлантириш масаласининг ўзига хос жиҳатларини очиб беришга алоҳида эътибор қаратилган.

Қадрият ва қадриятлар шакллари билан боғлиқ масалалар кенг ўрганилганига қарамай, замонавий бозор иқтисодиёти шароитида фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлатда талаба-

ёшларда шакллантирилиши лозим бўлган аксиологик онгнинг амалий-технологик жиҳатлари алоҳида тадқиқ этилмаган.

Мамлакатимизда халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш, таълим олувчиларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларини ривожлантириш борасида олиб борилган ислоҳотлар таълимни инсонпарварлаштириш, бўлажак педагогларда аксиологик муносабатни таркиб топтиришга йўналтирилган педагогик ёндашувлардан фойдаланиш имкониятларини ошириди. Шу билан бирга, миллий фалсафа фани олдида талаба-ёшларда аксиологик онгни ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш зарурати мавжуд. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содик, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш” [11] каби вазифалар белгиланган. Бу, талаба-ёшларда аксиологик онг ва фаолият мотивлари асосида касбий компетентликни ривожлантиришнинг аксиологик мезон ва кўрсаткичларни аниқлаштириш, талаба-ёшлар аксиологик онгини ривожлантиришнинг ташкилий тузилмаси ва механизмларини такомиллаштириш, креатив таълим технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Қадриятга йўналганлик ўз ичига индивиднинг ҳаётий тажрибалари ва орзуармонларини ҳам қамраб опади. Ана шу сабабли қадриятга йўналганлик ўзига хос психологик тавсифга эга бўлиб, шахс тузилишининг барча компонентлари ва яхлит тизимини акс эттиради. Қадриятлар тизими миллий ҳамда умуминсоний маданиятнинг асосини ташкил этиб, жамият аъзоларининг маънавий ва ижтимоий эҳтиёjlари, қизиқишлиари, уларнинг ижтимоий ҳаракатлари ва хулқ-атворини бошқаришни ўзида акс эттиради. Б.Битинас ва И.П.Подласийлар қадриятларнинг учта асосий тизимини ажратиб кўрсатишган: трансцендентал (диний моҳият нуқтаи назаридан қандайдир мутлақликка эга),

ижтимоий йўналтирилган – социоцентрик (гурухий, умуминсоний, касбий, миллий ва ҳ.к.) ва антропоцентрик (индивидуал) [12,83].

М.А.Макаревич қадриятлар тизимини қўйидаги гурухларга ажратган: ҳаёт мазмунини белгилаб берувчи (яхшилик, ёмонлик, бахт, фаровонлик), универсал (ҳаётний (витал), демократик, ижтимоий обрў-эътибор, шахсий ривожланиш, шахслараро муносабат), норасмий (анъанавий, диний ва урбанизацияга оид) ва жамоавий (ўзаро бирбирига ёрдам бериш ва бирдамлик). Ҳаётний (витал) қадриятлар деганда инсон ҳаётини муҳофаза қилиш ва узайтиришга йўналтирилган бирламчи ва оддий эҳтиёжлар тушунилади. Ҳаёт мазмунини белгилаб берувчи қадриятлар эса мураккаб тузилишга эга бўлиб, бутун инсон ҳаётининг мураккабликлари ва ғаройиботларга бойлигини ифода этади [13,609-310].

П.А.Сорокин қадриятлар тизимининг учта турини ажратиб кўрсатган: идеационал қадриятлар тизими. Мазкур тизимга доир қадриятлар ва идеаллар ўзгаришсиз ва доимий, мутлақ тавсифга эга бўлиб, уларни тушуниб етиш жараёнида юзага келадиган тўсиқларни енгигб ўтиш жараёнида инсонда ҳиссий қониқиш юзага келади; ҳиссий қадриятлар тизими. Мазкур тизимга хос қадриятлар мутлақ қўриниш касб этмайди, индивид иштирок этаётган вазият билан боғлиқлиқда амал қиласди; идеал қадриятлар тизими. Идеационал ва ҳиссий қадриятларни умумлаштириш асосида таркиб топади [14,488494].

Тизимли, субъектив ва фаолиятга йўналтирилган ёндашувлар ва қадриятга йўналтирилган фаолиятнинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда “қадрият” тушунчаси талаба-ёшларнинг касбнинг ижтимоий аҳамиятини тўлиқ англаб етилганлиги тавсифида бўлғуси ижтимоий-маънавий фаолиятга субъектив муносабати ва баҳосини ифода этиши ҳақидаги хуносага олиб келади. Мазкур асосга таянган ҳолда “қадриятлар тизими” тушунчасига барқарор, доимий ва динамик-функционал алоқадорликка эга қадриятга йўналтирилган (баҳолашга доир) фаолият асосида касбий тайёргарлик жараёнида шаклланадиган компонентлар (қадриятнинг турлари ва шакллари) мажмуудир, тарзида таъриф бериш ўринлидир.

Педагогик жараёнда талаба-ёшларда аксиологик онги тузилмасининг муҳим компоненти сифатида касбий қадриятлар масаласига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади. Аксиологик онг субъект томонидан ижтимоий компетентлик тизимида муҳим аҳамият касб этадиган фаолият соҳасининг шахсий ва ижтимоий аҳамиятининг англанганлиги, ижобий-эмоционал муносабатнинг қарор топиши ва шахс ички йўналганлигини белгилаб беришга хизмат қиласди.

Педагогик жараёнда касбий қадриятга йўналганлик ижтимоий фаолиятга доир илмий билимларни эгаллаш ва талаба-ёшларда аксиологик онгни шакллантиришга имкон берадиган когнитив (касбий билимга доир қадриятлар), педагогик фаолиятга шахсий муносабат орқали аниқлаштириладиган эмоционал компонент (касбий муносабат қадриятлари) ва педагогик фаолиятда аксиологик муносабатни қарор топтиришга имкон берадиган хулқ-атвор компоненти (касбий кўнилмаларга доир)ни аниқлаштириш мақсадга мувофиқ.

Талаба-ёшларда аксиологик онг тизимида шахсий, субъектив қадриятлар тизимини ривожлантириш муаммосига доир дастлабки таҳлил натижалари мазкур қадриятлар трансформацияси жамиятдаги ислоҳотлар билан алоқадор ижтимоий шарт-шароитлар билан боғлиқ эканлигини таъкидлаш имконини беради. Бундай ислоҳотларнинг асоси сифатида маданий, мағкуравий, сиёсий ва иқтисодий соҳаларда рўй бераётган ўзгаришлар акс этади. Мазкур соҳаларда рўй бераётган янгиланишлар ўз навбатида ижтимоий онгда, таълим-тарбия тизимида, жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган оиласвий турмуш тарзида ҳам кучли ўзгаришларга олиб келмоқда. Энг аввало, ёшларнинг шахсий қадриятлар тизимида кескин ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Талаба-ёшларда аксиологик онгни ривожлантириш шартли равишда уч босқичда амалга оширилади: мотивацион-қадриятга йўналтирилган; мазмунли-жараёнга доир ва рефлексив-тадқиқотчиликка доир. Амалий фаолиятда уларни амалга оширишнинг яхлитлиги ва ўзаро алоқадорлиги, бироқ фаолиятга

## ФАЛСАФА, СИЁСАТ

тайёргарлик компонентининг етакчи ўрин эгаллашини ҳисобга олиш лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда қуидаги холосаларга келиш мумкин:

1. Тизимли, субъектив-фаолиятга доир ва қадриятга йўналтирилган фаолиятнинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда “аксиологик онг” тушунчаси талаба-ёшларнинг ўз касби ва келгуси фаолият йўналишининг ижтимоий ахамиятини тўлиқ англаб етилганлиги тавсифида бўлғуси фаолиятга субъектив муносабати ва баҳосининг акс эттириши; “қадриятлар тизими” тушунчасига барқарор, доимий ва динамик-функционал алоқадорликка эга қадриятга йўналтирилган (баҳолашга доир) фаолият асосида касбий тайёргарлик жараёнида шаклланадиган компонентлар (қадриятнинг турлари ва шакллари) мажмуудир.

2. Талаба-ёшларда аксиологик онгни ривожлантириш атроф-муҳит ва ўз-ўзига

нисбатан муносабат тавсифини акс эттирувчи ва касбий фаолиятга тайёргарлик жараёнида намоён бўладиган, педагогик компетентликнинг ўзаро алоқадор аксиологик компонентларида сифат ўзгаришларини ҳосил қилишга йўналтирилган объектив жараён бўлиб, ташки ва ички таъсирларнинг ўзаро алоқадорлигини ҳисобга олишни талаб этади.

3. Талаба-ёшларда аксиологик онгни ривожлантиришнинг эгаллаётган касбига аксиологик муносабатни таркиб топтиришга доир касбий қадриятларни ўзлаштириш, касбий қадриятлар асосида талаба шахсини тарбиялаш ҳамда педагогик фаолиятга ўз-ўзини йўналтириш босқичи. Мазкур босқичлар асосида касбий идеал сифатида “Мен” тимсоли тўлиқ шаклланади, бўлғуси фаолиятда ўз ўрнини англаш ва баҳолаш асосида “касбий фаолият соҳаси” йўналиши мазмунини англатади.

### Адабиётлар:

- 1.Джалалов А.М. Национальная идея и идеология национальной независимости: философско-правовые аспекты основания // Миллый истиқлол гояси ва мафкураси: фалсафий ва ҳуқуқий жиҳатлар. – Т.: Фан, 2001.
- 2.Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
- 3.Современная западная философия. Словарь. – М.: Одиссей, 1991.
- 4.Марданов Ш.Қ. Педагог қадрларни таълимий қадриятлар асосида тайёрлаш ва малакасини оширишнинг педагогик асослари: Пед. фан. док. ...дисс. – Т., 2006.
- 5.Махкамов У.И. Юқори синф ўқувчиларида ахлоқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик асослари: Пед.фан.док. ...дисс. – Т., 1998.
- 6.Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари: Пед.фан.док. ...дисс. – Т., 1993.
- 7.Сластенин, В.А. Введение в педагогическую аксиологию. – М.: Издательский центр «Академия», 2003.
- 8.Рўзиева Д. Олий таълим муассасаси талабаларида миллый ифтихор туйғусини шакллантиришнинг иммий-педагогик асослари: Пед. фан. док. ... дисс. – Т., 2007.
- 9.Ходжаев Б. Педагогик аксиология. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2012.
- 10.Эгамбердиева Н.М. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида талабаларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш назарияси ва амалиёти (Педагогика олий таълим муассасалари мисолида): Пед. фан. док. ... дисс. – Т., 2010.
- 11.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль кунги ”Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
- 12.Подласий И. П. Педагогика: 100 вопросов – 100 ответов. – М.: ВЛАДОС-пресс, 2004.
- 13.Макаревич М. А. Ценность // Российская социологическая энциклопедия / Под общ. ред. Акад РАН Г.В. Осипова. – М.: НОРМА-ИНФРА-М, 1998.
- 14.Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. / Пер. с англ. – М. : Политиздат, 1992.

(Тақризчи: М.Маматов – фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор).